

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 169 (9.972)

2003 ЙИЛ 28 АВГУСТ

Янги иншоотлар билан танишув

Президент Ислам Каримов пойтахтимизни ободонлаштиришга ҳамisha алоҳида эътибор қаратиб келади. Мамлакатимиз раҳбарининг таклифи билан Тошкентда кичик ҳалқа йўлини бунёд этишга қарар қилинган эди. 2001-2002 йиллари йўлсиз ва кўприксизларимиз 32 километрлик мазкур йўлнинг дастлабки икки босқичини фойдаланишга топширди. Истиклолнинг 12 йиллиги арафасида унинг 8,7 километрлик учинчи қисми ҳам қуриб бўлинди. Амир Темур кўчасидан бошланиб, икки вокзални бошлаган ҳалқа йўли Мирзо Улуғбек ва Маннон Уйғур кўчалари кесишган жойга туташди.



Бунёдкорлар бу ишни 6 ойда бажаргани таҳсинга сазовордир. Бу вақт давомида ҳалқа йўлининг ён-атрофи ободонлаштирилди.

27 август куни Президент Ислам Каримов Мирзо Улуғбек ва Маннон Уйғур кўчалари кесишган жойда бунёд этилган кўприкни бориб кўрди.

Мамлакатимиз раҳбари мутасаддилар билан суҳбат чоғида кичик ҳалқа йўлини қуришдан мақсад шахар бўйлаб узлуксиз ҳаракатланиш имкониятини яратиш эканлигини таъкидлади. Ҳисоб-китобларга қара, Тошкентнинг бир четидан иккинчисига етиб бориш учун узоғи билан 45 дақиқа сарфланиши керак. Лекин шу вақтгача бундай имконият йўқ эди. Мазкур лойиҳа ҳақида биринчи бор гап чиққан пайтда минг кишига 65 шахсий машина тўғри келган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич юздан ошиб кетган.

Чорраҳаларда қулай ҳаракат учун шароит яратиш зарурати экологик тозалик ва хавфсизлик масалалари нуктаи назардан ҳам муҳим эди. Кўчалардаги ҳаракат тизимлиги таъмирланиш қийинлаштиради, ён-атрофдаги муҳитга салбий таъсир кўрсатади, ҳалокатлар эҳтимолини оширади.

Президентимизнинг ҳаётда ўз аксини топаётган ушбу ташаббусидан Тошкент аҳли ва меҳмонлари жуда миннатдор. Янги йўллар пойтахт чиройини очиб, қулайликларни тўғририбгина қолмай, шаҳарни жаҳон андозаларини даражасига олиб чиқишга ҳам хизмат қилади.

Ислам Каримов одатда аввал йўл барпо этилиб, кейин ён-атрофига уй-жой ва бошқа иморатлар қурилиши лозимлигини яна бир бор таъкидлади. Тошкент эса 1966 йилги зилзиладан кейин аниқ ва пухта режасиз тикланган. Шу боис ҳам биналар ва йўллар жойлашувда номуносиблик мавжуд эди. Бугун пойтахтимизда бу муаммо муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари шу ерда пойтахтга янги олиб келинган «Мерседес» русумидаги автобусларни кўздан кечириди.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Дав-

лат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтини ҳам бориб кўрди.

Шу йилнинг 22 майида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилган бу олий ўқув юрти ўз соҳаси бўйича Марказий Осиёдаги ягона илм даргоҳидир. Унда божхона ишининг барча соҳалари бўйича таълим берилади. Илмий-тадқиқот, маънавият ва маърифат, халқаро алоқалар, молия-иқтисодий каби қатор бўлинмалар ҳамда амалий машғулотлар учун ташкил этилган майдончалар тингловчиларга касб сирларини чуқур эгаллаш, фаолият кўникмаларини ҳосил қилиш имкониятини беради.

Божхона статистикаси ва ахборот технологиялари хонасида божхона органларининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими фаолият кўрсатади. Бундан ташқари, институтда криминалистика, савдо алоқаларини назорат қилиш каби кўплаб зарур йўналишлар бўйича кафедра ва лабораториялар ташкил этилган.

Мамлакатимиз раҳбари ҳозирги шароитда малакали ёш кадрларга эҳтиёж катта эканлиги, шунинг учун мазкур институт ташкил этилганини таъкидлади ва бўлажак божхоначиларга муваффақият тилади.

Президент Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг Савдо ва кўргазма марказида ҳам бўлди. Бу ерда мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағиш-лаб ташкил этилган «Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти» мавзусидаги кўргазма ишлаб турибди.

Ислам Каримов марказга қиравермишдаги залда Ўзбекистонни, иқтисодий салоҳиятимизни акс эттирувчи экспозиция ташкил этиш мақсада мувофиқлигини айтди. Чунки, қайси давлат фирмаси ва компанияси бу ерда кўргазма уюштирмасин, келган меҳмон, аввало, Ўзбекистонда эканлигини ҳис қилиб туриши керак.

(ЎзА)

Абдувоҳид Тўраев олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, шунингдек инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат тузилишини, шу жумладан суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминлашга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонунари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ҳукуматининг қарорлари ижросини таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда.
(Давоми 3-бетда).

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳу Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, Тошкент шаҳридан, қуйидагилар Ватанимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлдилар.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, ислохотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан саноат, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, қурилиш, транспорт ҳамда савдо хизмати кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:
(Давоми 4-бетда).

XXI сағоси ХАҚИ

Барча маъблардан
олинган сўғги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кеча Оксбройда АҚШ Конгресси Вакиллар Палатаси Куролли кўчлар бўйича қўмитасининг ҳарбий таъминот бўйича ички қўмитаси раиси Курт Велдон раҳбарлигидаги бир гуруҳ конгрессменлар делегациясини қабул қилди.
- Мамлакатимизга ташриф буюрган Вакиллар Палатаси Куролли кўчлар бўйича қўмитасининг ҳарбий таъминот бўйича ички қўмитаси раиси Курт Велдон раҳбарлигидаги конгрессменлар делегацияси Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Содик Сафоев билан ҳам учрашди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иқтисодий-иқтисод қилиш масалалари ва тадбиркорлик; Мудофаа ва хавфсизлик масалалари; Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмиталарининг бўлиб ўтган йиғилишларида Олий Мажлиснинг иккинчи қақриқ XII сессияси кун тартибига киририлган масалалар хусусида сўз борди.
- Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмда Тошкент вилоят ҳокимилиги, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда «Маънавият ва маърифат» кенгаши вилоят бўлими ташаббуси билан юртимиз Мустақиллигининг 12 йиллиги байрамига бағишланган «Мустақиллик — бебаҳо неъмат» мавзусида маданий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.
- Мамлакатимиз Мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида Фурқат туманида яна бир замонавий ишлаб чиқариш тармоғи — «Ишонч» акционерлик жамияти ишга тушди.



Жаҳонда

- Эроннинг Натанц шаҳридаги қорхоналардан бирида иш олиб бораётган МАГАТЭ инспекторлари бойитилган уран қолдиқларини топширилганлиги тўғрисида «Ассошиэтед Пресс» агентлиги хабар беради.
- АҚШда яна электр таъминоти билан боғлиқ муаммо юзага келди. Яшин оқибатида Вашингтон ва унинг атрофидаги ҳудудларда истиқомат қилувчи 200 мингга яқин киши электр қувватисиз қолди.
- Хитой жанубида юз берган табиий офат — Кгованһ тўфонини натижа-сида 2 киши ҳаётдан кўз юмди, 11 мингга уйнинг томи учиб кетди, электр узатиш тармоқлари ишдан чиқди.
- Кеча эрталаб Маҳакальада Доғистон миллий ишлар ва ташқи алоқалар вазири Мухаммадсолхис Гусаевни ўлдириб кетди. Ҳозир-да мазкур қотиллик юзасидан тезкор тергов ишлари олиб борилмоқда.
- Ҳамюртимиз Абдулла Тангриев Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида ўтказилган талабаларнинг Бутунжаҳон университетида дзюдо бўйича оғир вазндаги полвонлар ўртасида олтин медални қўлга киритди.

ПОЙТАХТНИНГ
Дир кўни
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА
сатрларда

□ **БУГУН** Истиқлолимизнинг 12 йиллигига бағишлаб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан туманда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларнинг 200 нафар фарзандларини ижтимоий, маънавий-маърифий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадида Тошкент ҳайвонот боғида тадбир уюштирилди.

□ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Бахт» қаҳвахонасида туман ҳокимлиги ташаббуси билан туманда истиқомат қилаётган 12 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйи бўлиб ўтди.

□ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактабда мустақиллик айёмининг 12 йиллигига бағишлаб 12-13 ёшли болалар ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

□ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Янгиобод» маҳалласида «Обод маҳалла йили» дастури бўйича туман ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган йиғилишда туман фаоллари иштирок этишди.

□ **КЕЧА** Бектемир ва Юнусобод туманлари халқ таълими бўлимларининг аънавий Август кенгаши мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари раҳбарлари, педагоглар иштирокида ўтказилди.

□ **КЕЧА** Тошкент шаҳар ИИББга хизмат вазифини ўтаётган вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандлари таклиф этилди. «Болалар» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан уларга янги ўқув йили учун ўқув қуроллари, мактаб формалари топширилди.

□ **АЙНИ** кунларда Тошкент Давлат циркида Монте Карлодаги халқаро цирк санъати фестивалининг олтин медали совриндорлари — қозогистонлик чавандозлар ўз маҳоратларини намойиш этмоқдалар.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

Халқимизнинг энг қутлуг байрами — Мустақиллик куни тобора яқинлашиб келмоқда. Ҳар биримиз учун энг улуг ва энг азиз бўлган Истиқлол айёмини муносиб қутиб олиш борасида бугун юртимиз бўйлаб яратувчанлик ишларини амалга ошириш, мамлакатимиз истиқболини таъминлаш, халқ фаровонлигини юксалтириш каби мақсадларни ўзида акс эттирувчи тайёргарлик ишлари қизгин палласига чиққан. Ушбу қутлуг сана муносабати билан пойтахтимизда ҳам кенг кўламда тайёргарлик кўрилмоқда. Бизнинг Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рустам Қурбонов билан суҳбатимиз айнан шу тайёргарлик жараёни хусусида бўлди.

— Байрамга тайёргарлик жараёни анча илгари бошланган десак хато қилмаймиз. Айни пайтда айёмга муносиб тўхфа сифатида кўп соҳаларда эришилган ютуқлар фикримиз далилидир. Бу ютуқлар фақат иқтисодиётдаги кўрсаткичлар билан чегараланмайди албатта. Таълим, тиббиёт, коммунал ва транспорт ҳўжалиги каби ижтимоий тузилмаларда олиб борилаётган ишхотлар ҳам бу борадаги асосий омилардан ҳисобланади. Ўз навбатида буларнинг барини биринчи навбатда кишиларнинг ҳаёт даражаси янада ошиб бораётганининг исботи деб тушунишимиз даркор.

Ҳар доимгидек байрамга бунёдкорларимиз муносиб тўхфалар тайёрлагани алоҳида эътиборлидир. Кичик халқа йўлининг учинчи навбати фойдаланишга топширилиши, шубҳасиз, шаҳарнинг чекка Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Чилонзор туманларида транспорт хизматини таъминлаш борасида мавжуд бўлган кўп муаммоларнинг ҳал этилишига йўл очади, десак адашмаймиз. Қолаверса, шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, янги автомобиль йўли ишга туширилиши олдидан аксарият жамоат транспорти йўналишлари бўйича «Мерседес» русумли автобусларнинг қўшимча равишда яна 100 таси пойтахтимиз аҳолисига хизмат кўрсата бошлади ва жорий йилнинг охиригача бундай ҳар жиҳатдан қулай, бадастир транспорт воситасидан яна 200таси келтирилиши режалаштирилган. Байрам олдидан айрим ўрта махсус ўқув юртиларида ҳам «уй тўйлари» қутилмоқда. Янги ўқув йилга банк, юридик, матбаа, машинасозлик, тиббиёт коллежларининг янги қурилган ва қайта таъмирланган бинолари фойдаланишга топширилади. Кечagina очилган Планетарий маркази маърифат маскани бўлиб қолади, деган умиддамиз. Туманларда, маҳаллаларда ишга туширилаётган спорт иншоотлари эса болажонларимизни байрам кунлари қувонтирмасдан қўймайди албатта.

— **Рустам Жавдатович, маълумки, байрамга тайёргарлик ишлари махсус дастур асосида олиб борилмақда. Унинг асосий йўналишлари хусусида бироз тўхталиб ўтсангиз.**

— Ҳақиқатан ҳам ушбу дастурга республика миқёсидаги барча чора-тадбирлар киритилган бўлиб, унинг ишлаб чиқишида Президентимиз томонидан Мустақиллик байрамини ўтказиш борасида берилган аниқ топшириқлар асос бўлган. Ҳар бир йўналишдаги тадбирнинг «Бу байрам барчамизники, бутун халқимизникидир!» шиори остида ўтказилиши ҳам алоҳида эътиборлидир. Дастур кенг қамровли бўлиб, унда ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ва илмий-ижодий тадбирлар мужассам этилган. Жумладан, куни кеча аънавий «Ўзбекистон — Ватаним меним» қўшиқ байрамнинг яқиний босқини бўлиб ўтгани, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ҳамда «Энг улуг, энг азиз» кўрик-танловли ғолиблари аниқлангани, айни пайтда Самарқандда тўртинчи мартаба «Шарк тароналари» халқаро мусика фестивали ўтказилаётгани дастурда белгиланган асосий тадбирлар қаторидан ўрин олган.

Республика Бадий академияси бошчилигида мўйқалам усталарининг энг сара асарларидан жамланган «Истиқлол даври

таصريий санъати» альбому чиқарилди. Музей, кўрғазма ва артгалереяларда Мустақилликнинг 12 йиллигига бағишлаб мавзувий кўрғазмалар тайёрланмоқда, баъзиларида намойиш ҳам бошланган. Нашриётлар томонидан «Куч — билим ва тафаккурда», «Миллий тафаккур тарихидан», «Миллат келажаги учун ашаш», «Тарихнинг очилмаган саҳифалари», «Қашқадарё: истиқлол арасида» китоблари, Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг бешинчи жилди чоп этилиб, жойларда уларнинг тақдироти



ПОЙТАХТИМИЗ
ҚУТЛУҒ АЙЁМГА
ТАРАДДУД КЎРМОҚДА

бўлиб ўтмоқда. Шу билан бирга «Артқарнавал» шаҳар театрлари фестивалини ўтказиш режалаштирилган. Мазкур фестиваль давомида томошабинлар халқимиз тарихи ва замонамиз қаҳрамонларига бағишлаб саҳналаштирилган янги асарлар билан танишишга мушарраф бўлади. Шунингдек, бир қатор бадий-публицистик ва ҳужжатли фильмлар яратилган, улар орасида Ватанимизнинг муқаддас остонаси — пойтахтимизга аталгани ҳам бор. Истиқлол, Ватан мавзуси оммавий аҳборот воситаларида «Мустақиллик: янгилиниш ва ривожланиш йўли» шиори остида эълон қилинган кўрик-танловда ҳам ўз аксини топган.

Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад Истиқлол ва унинг қадр-қимматини, бу сана Ватанимиз тарихида, жамиятимиз ҳаётида, халқимизнинг тақдирини, унинг келажагида қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини ҳар бир инсон онгига англаган ҳолда етказишдир.

— **Байрамга тайёргарлик борасида шахримизни янада кўркам қилиш ва баъзатиш масалалари ҳам алоҳида ўрин олган бўлса керак?**

— Дарҳақиқат, бу йўналишда махсус концепция ишлаб чиқилган. Асосий эътибор кўча ва хиёбонларни, бино ва иншоотларни чиройли безашга қаратилган. Тажрибадан келиб чиққан ҳолда, нафис матолардан турли геометрик шаклдаги янги безак элементлари ҳам ишлаб чиқилган. Уларнинг жиноси марказий кўча ва майдонлар ҳуснига хусн қўшибгина қолмай, балки ҳар бир мавзё, маҳаллаларда ҳам байрам шукҳини тараннум этиб туради. Байрамни кўтаринки руҳда қутиб олишда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги доирасида бўлиб ўтган ҳашар яна бир бор халқимиз аънаваларининг нақадар кучли эканини намён этди. 16 август куни умум-

халқ ҳашарида 700 мингдан зиёд пойтахтликлар иштирок этиб, улар кучи билан 7 миллион квадрат метр майдон обод қилинди, 800 минг метр узунликда ариқлар тозаланди, 260 мингта дарактлар оқланди, 50 мингга яқин гул кўчатлари ўтказилди. Бу хайрли ишда аксарият қорхона ва ташкилотлар жамоаси қатнашиб уларнинг бир кунлик маоши маҳаллаларимиз моддий негизини кўтаришга йўналтирилди. Бундай саҳаватпешалик халқимизнинг ажралмас қадрияти эканлиги ҳар биримизга гурур баҳшида этади.

— **Шунингдек, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш ҳам халқимизнинг бебаҳо фазилатларидан биридир. Бу борада байрамларда аънавий тус олаётган хайрия тадбирлари режалаштирилгани?**

— Муҳтожларга ғамхўрлик қилиш, меҳр-муруват кўрсатиш ҳақиқатдан ҳам миллий қадриятларимиз ҳисобланади. Дастлабки маълумотларга қараганда, Мустақилликнинг 12 йиллиги муносабати билан 10 мингга яқин ёлғиз, кам таъминланган қарияларга, кўп болали оилаларга 50 миллион сўмликдан зиёд моддий ва молиявий ёрдам кўрсатилади. Бундан ташқари, тўқинсончи дастурхон, совға ва концерт дастурларидан иборат байрам тадбирларини ҳар бир меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун ташкил этиш мақсад қилиб қўйилган ва улар шу кунларда ҳам кенг амалга оширилмоқда. Бу борада маҳалла фаоллари, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман ҳокимликларига катта масъулият юклатилгани алоҳида таъкидлаш жоиз.

— **Рустам Жавдатович, суҳбатимиз якунида асосий байрам тантаналари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Маълумки, ҳар йили август ойининг сўнги кунинда Қатагон қурбонлари — Мустақилликимиз учун ўз жонини фидо этган ватандошларимизни ёд этиш кўни нишонланади. Шу муносабат билан бир қатор тадбирлар режалаштирилган, уларнинг асосийси «Шаҳидлар хотираси» мажмуасида бўлиб ўтади.

Аънавий тарзда 31 август куни кечқурун пойтахтимизнинг бош майдонини энг улуг айём — Мустақилликимизнинг 12 йиллигига бағишланган катта театрлаштирилган концерт дастури намойиш этилади. Ушбу дастур бир неча сахна кўринишларидан иборат бўлиб, ҳар бирида байрам томошасининг «Без ҳич қимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз!» асосий ғояси ўз ифодасини топади. Бадий чиқишларда Истиқлол йилларида эришган ютуқларимиз, Обод маҳалла йилида амалга оширилаётган эзгу ишлар, ўсиб келаётган ёш авлодимиз муваффақиятлари акс эттирилади. Шунингдек, Мустақилликимизнинг 12 йиллиги нишонланишини эътиборга олган ҳолда ҳар бир дастур йўналишида 12 рақам рамзий намён бўлиб туради. Айниқса «Болалар» юрт эртаси концерт дастурида Истиқлол тенгдошлари — 12 ёшли фарзандларимиз сахна кўринишлари орқали ўқишда ва турли ижодда ўз истеъдодларини намойиш этиши алоҳида эътиборга лойиқ. Бундан ташқари, байрам тантаналарида санъатимизнинг янги қирралари намён бўлади, янги истеъдодлар кашф этилади, замонавий куй ва қўшиқлар янграйди.

Байрам руҳи, байрамона кайфият 1 сентябрь кунини ҳам шахримиз бўйлаб сайиллар кўринишида давом этади. Ҳар бир туманда ташкил этилган катта очик саҳналарда ҳаваскор ва профессионал бадий жамоалар, театр ва эстрада юлдузлари ўз чиқишлари билан пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларини хушнуд этадилар.

Хулоса қилиб айтганда, Мустақилликимизнинг 12 йиллиги тантаналари кўтаринки руҳда, жозибали ва бетакрор бўлиб ўтиши шубҳасидир.

Суҳбатни
Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА
олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизми яратилди, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий ишлари такомиллаштирилмоқда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини доимий таҳлил қилиш ва унинг мониторинги ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар бериш тизими ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилётган ислохотлар адлия органларининг фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш Адлия вазирлигининг асосий ва энг муҳим вазифаси бўлиши лозим.

2. Кўйилганлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг энг муҳим вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

қонунчилик ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, улар амалга оширилишини таъминлаш;

Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунчиликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

судларни моддий-техникавий ва молиявий жиҳатидан таъминлаш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд ҳужжатлари ва бошқа давлат органлари ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизмини яратиш;

нотариат, адвокатура, ФХДЭ органлари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;

тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий таъминлаш самарадорлигини оширишга, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, ҳўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш ва рўйхатда олиш жараёнини соддалаштиришга, шартномавий интизомни мустаҳкамлашга йўналтирилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

юридик шахслар, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларни рўйхатдан ўтказишда қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш;

тегишли давлат органлари билан биргаликда халқаро-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси манфаатлари самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

замонавий талаблар ва стандарт-

ларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

3. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида 6 кишидан иборат Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса тегишли бўлимлар ташкил этилсин.

4. Белгилансинки, адлия органлари ва муассасалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдирлар ва бевосита Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига бўйсундилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимининг ташкилий тузилмаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппаратининг, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг тузилмалари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг намунавий тузилмалари тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати ходимларининг умумий чекланган сонини 194 кишидан, шу жумладан 143 нафар бошқарув ва 51 нафар хизмат кўрсатувчи ходимлардан иборат этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг марказий аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сонини доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» ва «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси» нашрлари негизида Ўзбекистон Республикасининг барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ягона расмий нашри - «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»ни таъсис этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўплами» даврий нашр қилинишини, шунингдек унинг очик обуна йўли билан тарқатилишини ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Хуқуқнинг тегишли қарорлари ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасининг тузилмаси ва Низомини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин; қонун ҳужжатларига мазкур қарор талабидан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ҳ.Т.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 27 август

Куни кеча Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси ниҳоятда қувончли хушxabарнинг шоҳиди бўлди. Истиклолимизнинг 12 йиллик байрами шодёнлари арафасида Президентимизнинг узоқ йиллик қахрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий меросини сақлаш ва ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун бир неча ҳамюртларимиз қаторида элимизнинг севимли санъаткори, Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджоновга «Ўзбекистон Қахрамони» унвони бериш тўғрисидаги Фармони нафақат театр жамоаси, балки бутун санъатсевар халқимиз учун катта шодён, қувончли воқеа бўлди. Шу муносабат билан биз таниқли санъаткор Зикир Муҳаммаджонов билан учрашиб, дилдан суҳбатлашдик.

—Зикир ака, аввало сизнинг кўп йиллик самарали меҳнатингиз, санъатимиз ривожига қўшган беқиёс хизматларингиз муносиб баҳолашиб, Ватанимизнинг юксак мукофоти «Ўзбекистон Қахрамони» унвони билан чин дилдан бутун халқимиз номидан қутлаймиз. Айни дамда қалбнигиздан кеча-қалбнигиз шодлиғи қувончингиз, ҳис-туйғуларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Дарҳақиқат, халқимиз эришган Мустақиллик бу Ўзбекистонимиз учун буюк неъмат. Буни албатта ажодларимиз узоқ йиллар орзиқиб кутган эдилар. Шундай кутлуг, мунаввар кунларга етказганига шукр. Мана шу энг улуг байрамимиз олдида Президентимизнинг кўплар қатори менга ва бошқа барҳаёт сиймолари-


билан ёнма-ён ижод қилдим. Улардан кўп нарсаларни ўргандим. Уларни эслаганимда қалбим фахрга тўлади доим. Ҳозирги кунда ҳам театрда ажойиб истеъдодли санъаткорлар билан бирга фаолият кўрсатиб келяпман. Масалан Эркин Комилов, Ёқуб Аҳмедов, Теша Мўминов, Саидкомил Умаров, Рихси Иброҳимоваларни айтиб ўтишим керак. Бундан ташқари кўплаб қобилятли ёшлар етишиб чиқмоқда. Уйлайманки келгусида улар устозлар даражасига етишади албатта.

—Зикир ака, Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажагини қандай тасаввур этасиз?

— Мен кўшли Ўзбекистонимизни бундан ҳам гуллаб-яшнашини, бундан ҳам обод ва фаровон бўлишини истайман. Мана атрофга

• ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ

САНЪАТИМИЗНИНГ ФАҲРИ ВА ИФТИХОРИ



Ўзбекистон халқ артисти Зикир МУҲАММАДЖОНОВ билан суҳбат

мизни эслаб, уларнинг Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганларини эшитиб, бошим осмонга етди. Шу онда азиз инсонлар, санъатимизнинг буюк даргалари, устозларимиз кўз олдимга келди. Албатта уларнинг руҳлари ҳам шод бўлган бўлиши керак. Ўзбек Миллий театримиз саҳнасида не-не инсонлар ижод қилишмади. Қарангки, Президентимиз ҳар йили кўплаб санъаткорларнинг меҳнатини қадрлаб, уларни муносиб тақдирламоқда. Айниқса ўтган марҳумларни тақдирлаш назардан четда қолмапти.

Ушбу юксак унвонни нафақат менга, балки бевосита Миллий театримизга, устозларимизга, ҳозирда бирга ижод қилаётган санъаткорларимизга ҳам берилган мукофот деб биламан. Албатта бундан қувонмай бўладими, бу хушxabарни эшитиб кўзларимга севинч ёшлари келди. Бу албатта Мустақиллигимиз шарофати, Президентимизнинг эътибор ва ғамўрлиги намунасиدير.

— Мустақиллик йиллари театрда ижод қилган даврларингиз, устозлар қаҳида ҳам бироз тўхталиб ўтсангиз...

—Мустақиллик бизга ҳамма имкониятларни очиб берди. Замон руҳига мос ажойиб, янги-янги асарлар саҳна юзини кўрди. Лекин тўғриси-ни айтиш керак, ҳали халқимиз, томошабинлар олдида қарздоримиз. Шу театрда 67 йилдан буён ижод қилиб келмоқдаман. Ўзбек Миллий театри саҳнасида кўп йиллар ажойиб устоз санъаткорлар — Аброр Ҳидоят, Шукр Бурхон, Олим Ҳўжаев, Обид Жалилов, Сора Эшонтўраева, Мамсума Қориева, Зайнаб Садриева, Раззоқ Ҳамроев, Икром Болтаева, эҳе яна қанча-қанча азиз инсонлар

қаранг, Тошкентимиз кундан кунга гўзаллашиб, чиройи ошиб бораётир. Ҳозир Кўкча даҳаси томондан келдим. Кўчалар шундай таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Жуда кенг ва равон йўллар бунёд этилган, кўприклар қурилган. Уларни кўриб хайратим ошди, қалбим фахр-ифтихорга тўлди. Шундай муаззам, шундай дорилмон кунларда, Истиклолимиз берган бундай буюк неъматларнинг шоҳиди бўлаётганимдан ниҳоятда бахтиёрман. Ва айни чоғда шоир Фурқатнинг юз йил илгари «Тошкентнинг остонасида кўзимни суртаман», деган гаплари ва қуйидаги сатрларини ёдга олгим келади:

Бир сиким тупроғи

бўлсаки агар,

Мен учун бўларди бир

ҳазина зар,

Тугиб айлар эрдим

бўйимга тумор,

Тўтиёдек сурар эрдим кўзимга

минг бор.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги буюк эканлигини мамлакатимизда юз бераётган катта ўзгартиришлар, янгиланишлар яққол намоён этиб турибди. Буларнинг ташаббускори ва бунёдкори албатта муҳтарам Президентимиздир. Илоҳим шундай доно йўлбошимизга, жаннатмакон юртимизга кўз тегмасин. Мустақиллигимиз абадий бўлсин, Ватанимиз янада гуллаб-яшнасин. Фурқатдан фойдаланиб барча ҳамюртларимизни Истиклол байрами билан чин дилдан қутлайман.

— Мазмуни суҳбат учун сизга ҳам ташаккур. Доимо соғ бўлинг.

Дилором ИКРОМОВА
суҳбатлашди.

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ўзбекистон

Республикасида хизмат

кўрсатган санаот ходими»

Бокжонов Махмуджон Ахмедович — Яккасарой туманидаги «Тоштўқима-маш» заводининг катта устаси

Нурматов Муталлибжон Рашидович — «Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компаниясининг Геология ва конлардан фойдаланиш бошқармаси бошлиги

Хаққулов Аҳмаджон Махмудович — «Ўзавтосаноат» уюшмаси бошқаруви раисининг ўринбосари

«Ўзбекистон

Республикасида хизмат

кўрсатган қурувчи»

Маъруфов Йўлдош Дадажонович — Тошкент Давлат муҳандислик-техник тадқиқотлар институти директори

«Ўзбекистон

Республикасида хизмат

кўрсатган транспорт

ходими»

Ўлжаев Толиб Эгамбердиевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясини Парвозлар хавфсизлиги нозирлигининг бошлиги

«Ўзбекистон

Республикасида коммунал,

маиший ва савдо соҳасида

хизмат кўрсатган ходим»

Абдуллаев Шуқрулла Назирович — «Меҳрли савдо» давлат корхонаси директори

Фидокорона меҳнати ва эришайётган ютуқлари билан давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибратни билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматиға сазовор бўлганлиги учун куйидагилар мукофотлансин:

«Эл-юрт ҳурмати»

ордени билан

Комиллов Собир — Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Рашидова Сайёра Шарофова — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (ОМБУДСМАН)

Республикамаизнинг санаот, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жаҳон андозалари асосида юксалтириш, фан-техника ютуқлари ва янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги кўп йиллик фидокорона меҳнатлари учун куйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати»

ордени билан

Обидов Абдурахмон — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Тошкент электратьминоти дистанциясининг электромонтери

Ан Роман Геннадьевич — «Тошметроқурилиш» трести «Метромасхускури-лиш» бошқармаси бошлиги

Бугров Борис Иванович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари

Дадажонов Тоир — Шайхонтохур туманидаги «12-трест» акциядорлик жамияти 50-қурилиш бошқармасининг монтажчи-пайвандчилар бригадаси бошлиги

Ибрагимов Саиджон Собитович — Тошкент шаҳар ҳокимияти обodonлаштириш бошқармаси бошқарувчиси

Эркахўжаев Анвар Камолович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти бошлиги

Исаев Георг Георгинович — «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» трести бошқарувчиси

Мирхожаев Зайниддин Сайфиддинович — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси

Норов Владимир Имомович — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари

Рустамов Киёмиддин Жаҳорович — «Ўзсаноатқурилишбанк» раиси

Сафоєва Машкура — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси раиси

Ташматов Қобилжон Фаттоҳович — Ўзбекистон Республикаси акциядорлик-тижорат «Пахта-банк» бошқарувининг раиси

Тургумбаев Охтам — Шайхонтохур туманидаги «159-қурилиш трести» акциядорлик жамиятининг бригада бошлиги

Шоабдурахмонов Рустам Мавзурович — Тошкент шаҳар ҳокими

Каландаров Искандар Жуманиёзович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат кўмитаси раиси

Қурбонев Эргаш — Ер ресурслари давлат кўмитаси раиси

Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элатлар фарзандлари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантиришда катта хизматлари, иқтисодий-ижтимоий соҳалар ва бошқарув идораларидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати билан миллий тараққий-тимизга қўшган самарали ҳиссаси учун куйидагилар мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан

Гальперн Владимир Максович — «Элеком» масўулият чекланган жамият директори

Гришина Валентина Ефимовна — «Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компаниясининг табиий газни сақлаш ва ташвиш бўлими бош мутахассиси

Дўстбоев Толмас Ботирович — «Ўзмахсусудренаж» уюшмаси раисининг ўринбосари

Зиё Азамат Ҳамид ўғли — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ёшлар ишлари кўмитаси раиси

Исмоилов Азиз Исмоилович — «Ўзгеогазгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси марказий диспетчерлик хизматининг етакчи муҳандиси

Исмаилов Суратилла Ҳамидуллаевич — Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг Инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилиш ва ахборот билан таъминлаш бошқармаси бошлиги

Камолова Озода Жамиловна — Чилонзор туманидаги «Пойабзалчи» акциядорлик жамиятининг тикувчиси

Киктев Михаил Митрофанович — Яккасарой туманидаги Ю.Ражабий номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Кильберг Владимир Геннадьевич — Молия вазирлигининг Давлат бюджетини бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

Ким Луиза Тимофеевна — «Файз» холдинг компаниясининг муҳандиси

Лисенко Татьяна Семеновна — Юнусобод туманидаги «Технолог» акциядорлик жамиятининг иқтисодчиси

Маждидов Абдуҳамид Ҳакимович — «Ўзавтотўл» давлат акциядорлик концернини маъмурий биносидан фойдаланиш дирекциясининг директори

Маҳкамбоев Саиджон Мухсинбоевич — «Ўзбекқишлоқмаш» акциядорлик жамиятининг цех бошлиги

Муротхўжаев Сайфиддин Валиевич — «Ўзакбел» давлат акциядорлик бирлашмаси бош директори

Нишонев Собиржон Маҳкамович — Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш трести» умумий технологик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиги

Нурмуродов Мамаризо Бердимуродович — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирли

Файзиев Баходиржон Обидович — Собир Раҳимов туманидаги «Агрегат заводи» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари

Паранова Фарид Фатхиевна — Ўзбекистон Карлар жамияти марказий бошқаруви раиси

Фармонқулов Ҳикмат Нажимович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Тошкент авиатехника базаси бошлиги

Пўлатов Ҳикматилла Холиқович — «Сувсоюз» трестиға қарашли «Бўз-сув» иншооти бош муҳандиси

Раҳимов Умуллол Холмуродович — Тошкент шаҳрини қайта қуриш ва обodonлаштириш Бош лойиҳа институтининг 4-устахонаси бош меъмори

Раҳимов Одил — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳандиси

Руссу Василий Васильевич — Миробод туманидаги «Мақсад» қурилиш бошқармасининг электрпайвандчиси

Салимова Махбуба Тожибоевна — Акмал Икромов туманидаги «Осиё Фуд» акциядорлик жамиятининг устаси

Степунин Александр Евгеньевич — Бектемир туманидаги «Сувасбобускуна-маш» акциядорлик жамиятининг тоқари

Тоҳимуродов Кеунимжай Уринбоевич — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг катта электромеханиги

Ҳасанов Садриддин Хуснуллоевич — Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси ўринбосари

Хусанов Жумма — Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг бошлиги

Царёва Лариса Павловна — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг иқтисодий таҳлил ва истиқболни белгилаш бўлими бошлиги

Цой Игорь Владимирович — «Кўмир» акциядорлик бирлашмасининг бош механиги

Штейнберг Борис Григорьевич — «Ўзметроқурилиш» акциядорлик жамиятининг бош муҳандиси

Энгардт Юрий Густавович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг электр таъминоти маркази бошлиги

Қодиров Улфат Салоҳиддинович — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик бошқармаси бошлиги

Фидокорона меҳнатлари билан ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини юксалтиришга, ислохотларнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлашга қўшган катта ҳиссаси учун куйидагилар мукофотлансин:

«Шухрат» медали билан

Обидова Ҳалима Солиҳовна — «Ўзавтотўл» давлат акциядорлик концернини «Европа-Осиё» трансконтинентал автомагистрали» консорциумининг катта иқтисодчиси

Ақромов Баходир Бахтиёрович — Юнусобод туманидаги «Тошсисқуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг чилангари

Асанов Владимир Шевкетович — Мирзо Улугбек туманидаги «Шиас» ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси бош директори

Атабекова Гавхар Анваровна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти Кўмиталар билан ишлаш бўлимининг катта референти

Аҳмаджонов Шукур Орифжонович — Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг ижтимоий соҳани ривожлантириш ва режали қурилиш бўлими бошлиги

Охунжонов Махмуджон Самигжонович — Акмал Икромов туманидаги 2512-автожамламанинг техника хавфсизлиги муҳандиси

Очилов Мухаммаджон Қорабоевич — Иқтисодиёт вазирлиги инвестициялар ва инвестиция дастурлари бўлимининг бошлиги

Бердиева Қумри Турғуновна — Собир Раҳимов туманидаги «И.Фархобоев номи бош кийимлар фабрикаси» ҳиссадорлик жамиятининг ишчиси

Бозоров Анвар Шермуҳаммадович — Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари

Ғиёсов Хусанбай — Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамиятиға қарашли Тошкент чўтка ва картон маҳсулотлари корхонаси раҳбари

Жукова Любовь Михайловна — «Ўзқишлоқхўжалиқмаш-холдинг» компанияси режалаштириш ва баҳоллаш бўлимининг бошлиги

Камолов Фуқрат Фатихович — «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси «Ўзтаъминбуғлаш» акциядорлик жамиятининг бош мутахассиси

Ким Лема Николаевна — «Ўзфармасаноат» давлат акциядорлик компаниясининг истиқболни белгилаш ва илмий тадқиқотлар бўлими бош мутахассиси

Маърупова Сайёра Фазилдиновна — Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ижтимоий-ташқилий бўлимининг услубчиси

Мирзажонова Хайринисо Холматовна — Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси

Мустафоев Элбек Хайруллаевич — «Дойче кабел» АГ Ташкент» қўшма корхонаси директорининг ўринбосари

Мухамедов Абдушукур Абдуғафурович — Собир Раҳимов туманидаги «Оруз-Пластик» ўзбек-турк қўшма корхонасининг муҳандис-технологи

Поланов Тўлқин Юсуфович — Яккасарой туманидаги «Саноатқурилиш-индустрия» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

Расулов Собит Собирович — Шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш трести 2-бошқармасининг бригада бошлиги

Раҳимов Ғайбулла Асадович — Миробод туманидаги «REM-ELTRANS» акциядорлик жамиятининг чилангари

Раҳимов Алимжон Мухаммаджонович — «Ўзкоммунизат» агентлиги Коммунал хизмат кўрсатишни ислоҳ қилиш ҳамда ислохотларнинг амалға оширилиши мониторинги бошқармасининг бош мутахассиси

Раҳмонов Равшан Қуддусович — «Ўзстандарт» агентлигининг метрология хизмати марказининг бўлим бошлиги

Рўзиев Оскар Турсунович — «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятининг шифоқақчиси

Саиджонов Йўлдош Шамсиевич — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментининг гуруҳи бош мутахассиси

Сиддиқов Зокир Тўлқинович — Бектемир туманидаги «Асрий» жамияти раиси

Сон Тимофей Сергеевич — Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг Ғўза селекцияси, уруғчилиги ва уни на буйича жойлаштириш бошқармасининг бош мутахассиси

Тошпўлатова Доно Тўхтапўлатовна — Давлат статистика кўмитаси Демография ва меҳнат бозори статистикаси бошқармаси бошлиги

Турсунова Умида Шоиноятовна — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Умумий бўлими машинада ёзув бюроси мудир

Умаралиев Қурбон Маҳмадалиевич — Ҳамза туманидаги «Тошқишлоқ-маш» акциядорлик жамиятининг 2-цеҳи созловчиси

Умаров Карим Мансурович — Республика Марказий банкининг Тўлов тизими ва ахборотлаштириш департамент директори

Ҳасанбоева Муқаддам Ҳабибуллаевна — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Пенсия таъминоти ташкил этиш бошқармасининг бош мутахассиси

Шорахбаров Равшан Қобилович — «Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

Юрєва Анна Леоновна — Мирзо Улугбек туманидаги «Арзанда» жамияти бош директори

Юсулов Ёқуб — «Ўзметасабзавоту-зумсаноат-холдинг» компанияси қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бош мутахассиси

Ободонлаштириш ва тозалик ойлиги

ЖОЗИБА БАХШ ЭТАДИ

Шаҳримизда **Энг азиз, энг улуг шодиёна** — **Мустақиллигимизнинг 12 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида «Маҳалла обод — Ватан обод»** шиори остида **ободонлаштириш ва тозалик ойлиги уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.**

— Жамоамиз аҳли пойтахтимизда ҳар бир майдон, хиёбон, шоҳкўча ва кўчаларни ўзига хос тарзда обод қилиш, кўкаламзорлаштириш, покзаллигига эътибор қаратиб, — дейди Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бош агрономи Лазолат Исмолова, — шодиёнага қизгин тайёргарликни авж олдиришди. Ободонлаштириш ва тозалик ойлигининг ўтган даврида кўчаларимиздаги даракларга шакл берилиб, оқланди, сув шохбчалари тартибга келтирилди. Айниқса, байрам тантаналари бўлиб ўтганган Мустақиллик майдони, Олий Мажлис биноси олдида экилган гулу чечаклар парваришига эътибор берилиб, шу билан бирга янги гулхоналар ташкил этилди. Ўзбекистон, Халқлар

Дўстлиги, Навоий шохкўча ва пойтахтимиздаги 20 дан зиёд майдонларга 150 мингта 60 хилдаги турфа гуллар экилди. Шунингдек, шохкўчаларимиз, корхона ва ташкилот, муассасалар бинолари олдидаги махсус гултувақлардаги гуллар парвариши билан, янги хиллари ўтқазилди. Кўча ва майдонларни безаш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Айни кунларда бошқарманинг икки минг нафардан зиёд ходимлари эрта тондан кечга қадар ўз вазифаларини сидқидилдан адо этишмоқда. Уларга маҳалла фаоллари, корхона ва ташкилотларнинг вакиллари ҳашарлар уюштириб яқиндан ёрдам беришмоқда. Шунингдек улуг байрам арафасида бошқарма томонидан шаҳримиздаги «Энг яхши боғбон» ва «Энг яхши фаррош» кўрик-танлови эълон қилинган бўлиб, унинг ғолиблари муносиб тақдирланади.

Албатта, гўзал шаҳримизга орасталлик, покзаллик ярашади. Шодиёна арафасидаги ободонлаштириш ва тозалик юмушлари эса унинг тароватини юз чандон ошириши, шубҳасиз. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳамшаҳримиз ойликнинг муваффақиятли ўтишига ўз ҳиссасини қўша, байрам янада кўнглили ва жозиба-ли ўтади.

Дилноза ФИЁСОВА

Мустақиллик туфайли халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқди.

Бугун биз халқимизнинг асрий аъналарини, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини, миллий қадриятларимизга таяниб, ривожланган давлатларнинг илгор тажрибалиридан ижодий фойдаланган ҳолда, ўзимиз танлаган тараққиёт тамойиллари асосида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт тизимини барпо этмоқдамиз. Бу олижаноб мақсадлар барча соҳаларга дахлдор бўлиб кўпдан-кўп сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий вазибаларини амалга оширишни тақозо этади.

Бугунги тарихимизнинг маъно-моҳияти, афзалликлари ҳақида фикр юритар эканмиз, аввало бу мустақиллик берган улкан имконият эканини ҳис этамиз.

Мустақиллик ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш имконини берди. Мамлакат сарҳадлари ва суверенитетини ҳимоя қилишга қодир бўлган янги миллий армия тузилди, давлат хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақловчи мутлоқ янги асосдаги тизим яратилди.

Истиқлол йилларида эришган энг катта ютуғимиз умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро товуликдир. Бу даврда Ватанимиз манфаатларига мос ташқи сиёсат ишлаб чиқилди ҳамда дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари, нуфузли халқро ташкилотлар билан ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатилди. Ўтган давр мобайнида шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси ўзгариб, юртимиз обод ва кўркам бўлди. Мулкдор ва тadbиркорларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи мустаҳкамланди. Йирик иншоотлар, корхоналар, завод ва фабрикалар қад кўтариб ёнилди ва галла мустиқчилигига эришилди. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар юз бергани, макроиқтисодий барқарорликка эришилгани, барча-барчаси мустақил Ўзбекистон тараққиётининг аниқ натижасидир. Энг муҳими истиқлол туфайли одамларнинг тафаккури ва ҳаётга муносабати ўзгариб бормоқда, уларнинг давлатимизнинг буюк келажагига бўлган қатъий ишончи кучаймоқда. Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакатидир. Бу заминда табиий бойликлар, унумдор ер, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими, бу ёрда меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди.

Ўзбекистон — ўзига хос мустақил тараққиёт йўлини ташлаб олган давлат. Бу йўл ҳамда ўзбек модели деб тан олинган ривожланиш йўлидир. Унинг рационал мағзи жамиятни инкилобий тарзда эмас, балки

эволюцион тадрижий равишда ислоҳ этишни назарда tutади.

Ўзбек моделининг асосчиси Президент Ислам Каримов бошчилигида амалга оширилаётган тараққиёт йўлининг бошқа миллий моделлардан фарқ қиладиган хусусияти шундаки, у фақат иқтисодий ривожланиш эмас, балки кенг маънодаги миллий тикланиш ва ижтимоий тараққиёт моделидир. Шу сабаб, у иқтисодиёт билан бир қаторда давлат қурилиши, ижтимоий соҳа ва маънавиятни, жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади.

Ўзбек модели, иқтисодий муносабатларини ислоҳ қилиш билан бирга давлат қурилиши, жамиятни демократиялаштириш, мулкдорлар синфини ва хусусан ўрта

• ИСТИҚЛОЛ НАШИДАСИ



ҚУТЛУФ ЮРТНИНГ ЭРТАСИ БУЮК!..

синфини шакллантириш, кадрлар тайёрлаш, маданий мерос ва маънавият билан боғлиқ жиҳатлар сингари бир қатор кенг қамровли ҳаётий соҳаларни ўз ичига оладики, бу унинг ўзига хос устувор хусусиятларидан биридир.

Маънавий қадриятларимизни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, ўзлимизнинг чуқурроқ англаш, миллий ғоя ва истиқлол мафқураси тамойилларини халқимизнинг қалби ва онгига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштириш, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишларга йўл қўймаслик бу борадаги асосий вазибаларимиздандир. Ушбу вазибалар миллий истиқлол ғоясининг маънавий соҳада намоён бўлишининг асосий йўллари аниқлайди.

Юртбошимиз Ислам Каримов «Бугун юртимизда барпо этилаётган давлат энг аввало умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга, ижтимоий қадриятларга асосланиши лозим» деган ғояни илгари суради.

Мустақиллик йилларида «Маънавият ва маърифат» Кенгаши тузилди. «Соғлом авлод учун», «Олтин мерос» сингари жамғармалар барпо этилди, маънавий-маърифий ва тарғибот ишларини ўргатувчи «Мулоқот» жамоатчилиги кенгаши тузилди, таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш ти-

зими тубдан ислоҳ қилинмоқда. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури бугун ўзбекининг аниқ самараларини бермоқда. «Маънавият» нашриёти, «Тафаккур», «Жаҳон адабиёти» журналлари ўз ишини бошлади. Хоразмда Маъмур академияси очилди. Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Улугбек, Бобур сингари буюк бобоқалонларимизнинг муборак сиймоалари тикланди. Имом ал-Бухорий, ал-Фарғоний, Камолиддин Беҳзодларнинг тавааллуд саналари, буюк достонимиз — «Авесто»нинг минг йиллиги, «Авесто»нинг 2700 йиллиги нишонланди.

Маънавий уйғоқ, етук халқ ҳамиша ғолиб, музаффардир. Уни енгадиган куч дунёда топилаётган. Ўзбек халқи қисқа вақт ичида ҳамжиҳатлик билан кўп нарсаларга эришди. Буюк неъмат бўлмиш истиқлол меваларидан баҳраманд бўлиб келмоқда. Бундай нури, зафарли йўлимиз, ютуқларимиз жаҳон микёсида тан олинмоқда.

«Ўзбекистон, — дейди Юртбошимиз, — минтақадаги энг йирик мамлакат ҳисобланади, табиий ва инсоний ресурсларга бой, Марказий Осиёда алоҳида жүрғоғий ва сиёсий-жўғроғий ўрин эгаллайди. Улкан табиий, минерал хом ашё ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон бугуннинг ўзидаёқ Европа Иттифоқига аъзо бўлган кўпгина мамлакатларнинг иқтисодий ва савдо соҳасидаги муҳим шерикларидан ҳисобланади».

Хозирда Ўзбекистон жаҳоннинг жуда кўпбал мамлакатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Тошкент шаҳрида 35 та хорижий мамлакат элчихоналари очилган. 88 та чет эл ваколатхонаси рўйхатдан ўтказилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро Валюта фонди, Жаҳон Банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТБ), Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТ) ва бошқа халқро ташкилотлар ўз ваколатхоналари ва бюраларини очилган.

Республикада 257 та чет эл компанияси ва фирмаларининг, шу жумладан 29 та Америка компанияларининг ваколатхоналари ишлаб турибди. 36 та тижорат банки, 60 дан ортик суғурта ташкилотлари ва 10 дан ортик йирик чет эл банклари ишламоқда. Бундай рақам, ҳужжатларни кўпбал келтириш мумкин. Чунки гўзал, юртимизнинг салоҳияти кундан-кунга ўсиб, юксалмоқда. Мамлакатимиз глобаллашув кенгликлари узра бугун ўзига мос миллий давлатчилик тарихини яратмоқда.

Азизахон ЗАЙНУДИНОВА,
шаҳрқуносо олима, профессор.

Сарҳадларимиз дахлсизлиги ишончли қўлларда

Ҳаммамизга маълумки, мамлакатимиз суверенитети, дахлсизлиги ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишдек масъулияти вазифа — Ватанимиз Куролли Кучларига юклатилган.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ ўнинчи сессиясидаги маърузасида бошқа масалалар қаторида атрофимиз, яқин ва узоқ минтақалардаги қарама-қаршилик, зиддият ва низолар, халқро терроризм каби хавф тобора кучайиб бораётган мураккаб бир вазиятда ал-юртнинг тинчлиги ва оқибатлигини сақлаш, уни турли бало-қазолардан асраш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш бугунги кунда ўта муҳим ва энг долзарб вазифа эканлигини таъкидлаб ўтди.

Шу муносабат билан Куролли Кучларимизни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, ишчан ва ҳаракатчан, бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган тарзда ислоҳ қилиш бораисида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шундай амалий мақсадларга эришиш йўлида иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Қонунлари алоҳида ўрин тутди.

Минтақамиздаги ҳарбий, сиё-

сий вазият ҳуқуматимиз, ҳарбий қўмондонлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарларининг олдига мудофаа қудратимиз ва ҳарбий тайёргарлигимизнинг асосий омилли сифатида Куролли Кучларда юқори даражадаги ҳарбий интизомни таъминлаш масаласини қўймоқда. Бу демак ҳарбий тузилмалар, муассасалар, аскар ва офицерлар ўзларига бириктирилган вазибаларни адо этишда қонуналра оғишмай рия этмоғи даркор. Мамлакат Куролли Кучларида қонуналра аниқ ва бир хилда рия этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Республика ҳарбий прокуратура органларига юклатилган.

Ўтган даврда ҳарбий прокуратура фаолияти Республика Президентининг Фармонлари, ҳуқумат қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқлари ва Республика ҳарбий прокуратураси ҳайъат мажлислари қарорларига ҳамда Куролли Кучлардаги қонунчилик ва жиноятчиликнинг таҳлилга асосланган ҳолда ташкил этилди.

Асосий эътибор прокурорлик назоратининг энг олди йўналишлари бўйича қурол-яроғ, ўқ-дори, ҳарбий техника, ёнилиги-мойлаш

воситаларининг сақланиши ва жой-жайида бўлиши, ҳарбий интизомга рия этилиши, умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат, муқобил хизмат тўғрисидаги қонунларнинг амал қилиши, муддатли ҳарбий хизматчилар маъшиий шароитларининг ташкил этилиши, уларни кийим-кечак, озик-овқатлар билан таъминлашнилари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазаси, ҳамда ўй-жой қонунчилиги талабларининг бажарилиши аҳоли йўналишларига қаратилди.

Бу ўринда жойларда қўмондонликлар, ҳарбий сулдар ва миллий хавфсизлик хизмати тармоқлари билан ҳамкорликнинг янада ошганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Ҳарбий прокуратура органларининг саъй-ҳаракатлари билан ҳарбий хизматчилар ва бошқа фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланмоқда. Куролли Кучлар мафқуратига етказилган зарарлар айбдор шахслардан ундирилмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини ошириш мақсадида прокурор ва терговчи ходимлар томонидан ҳарбий қисмларда кенг микёсда профилактик тадбирлар ўтказилмоқда.

Республика ҳарбий прокуратураси ҳарбий хизматчилар, айниқса оддий аскарлар ўртасида қонунларни тарғиб қилишни кучайтириш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга йўналтирилган фаолиятини кенгайтириш мақсадида «Ватанимизга хизмат қилман» кўрсатувларида мунтазам равишда иштирок этиб туриши йўлга қўйилди.

Ҳуқуқ-тарғибот мақсадида радио, телевидение ва оммавий аҳборот воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Хозирги кунда Республика ҳарбий прокуратураси идоралари томонидан «Қонун ва бурч», «Ҳуқуқ ва бурч», «Бурч» каби газеталар ташкил қилинган. Бу газеталар шу округ, гарнизон ҳудудидаги ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий ҳаёти, хизматлари, йўл қўйилган камчиликлар ва мамлакатимиздаги сиёсий, ижтимоий воқеалар ва бошқа соҳалар бўйича маълумот бериб келмоқда.

Ҳайъатимиз, Республика ҳарбий прокуратураси ходимлари Президентимизнинг ҳарбий қурилиши ислоҳ қилишга қаратилган кўрсатмалари ижросини таъминлаш, Куролли Кучларда қонунчилик ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, қўшнларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш масалаларида ўзларининг сезиларли хиссаларини қўшиб берадилар.

**М.ТЕМИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокуратураси
умумий назорат бошқармаси
бошлиғи,
адлия подполковниги.**

Мақдимои Муносиб туҳфа

Энг улуг, энг азиз байрамимиз Муस्ताқиллик айёми арафасида Ўзбекистон телевидениеси ижодкорлари халқимиз учун байрам туҳфаси сифатида «Қарзи хасана» номли видеофильми тақдим этди.

Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида ушбу фильмнинг тақдими маросими бўлиб ўтди. Нурилла Аббосов асари асосида яратилган фильмга Ҳамид Қажрамов режиссёрлик қилган сахналаштирувчи режиссёр Арслон Обидовдир.

Ота-онага ҳурмат, қарияларга эъзоз, миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз асосига қурилган фильмда ролларни Яйра Абдуллаева, Раъно Ярашева, Ширин Мирзаахмедова сингари етук артистлар ижро этишган. Асосий қаҳрамон образи — Абдукаримни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Пулат Носиров ижро этган. Тақдимот маросимидан сўнг ижодкор ва томошабинлар билан самимий мулоқот бўлиб ўтди.

— Ота-бобларимиз «Отанг маҳалла, онанг маҳалла» деб бежиз айтишмаган. Кейинги йилларда эса маҳаллаларимизнинг мавқеи, обрўи янада ошди. Унга эътибор қунайди. Бугунги кунда маҳаллаларнинг ҳам ўз вазифалари бор.

— деди тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши «Маҳалла» жамағат-маси раиси Рихситилла Ақромов. — Маҳаллаларда тинчлик, барқарорлик ривожланиб бормоқда. Намойиш этилган фильм ҳам маҳаллаларимиз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Уни Обод маҳалла йили ҳамда Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишланган ажойиб туҳфа дейиш мумкин.

Адибонан **ҒАЙРАТ** қиз.

«Ёдгор»

Пойтахтимиздаги Кино-Бизнес уйида «Ўзбекистон» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекфильм» киностудияси ва «Ёшлар ижодий уюшмаси» томонидан атоқли ўзбек ёзувчиси Ғафур Ғулумнинг «Ёдгор» кассиса асосида суратга олинган шу номдаги бадиий фильмнинг тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимотда фильм ижодкорлари, журналистлар ва кўпбал киномухлислар иштирок этилди.

«Ўзбекино» акциядорлик компанияси директори Мурод Мухаммад Дўст тадбирни очар экан, устоз ёзувчимиз, ўзбек халқининг севилиги адиби Ғафур Ғулумнинг «Ёдгор» кассиса миллийлигини, ўзбекона ҳислатларнинг қадриятлигини очиб берганини қайд этди. Меҳр-оқибат кассида айниқса кенг таърифланганини таъкидлади.

— Фильм премьераси Шаҳрисабз шаҳрида бўлиб ўтган эди, — деди тадбирда сўзга чиққан сценарий муаллифи ва бош режиссёр Хилол Насимов. — У ердаги мухлисларимиз яратилган янги фильмни яхши баҳоладилар. Фильмни миллий тарзда яратиш учун халқ чоғу асобларидан фойдаландик. Зеро, қисса ўзбекона урф-одатларни ўзида муҳассамлаштириб яратилгандир.

«Ёдгор» фильмида ота-онанинг фарзандига меҳри, ёшлар қалбига аламанганган муҳаббат ҳақида ҳикоя қилинади. Фильмдаги асосий ролларни Раъно Зокирова, Алишер Ҳамроев, Камола Умархўжаева, Меҳриддин Раҳматов сингари ёш актёрларимиз маҳорат билан ижро этишган. Бош тасвирчи Хотам Файзиёв, расомлар Бектош Раҳабов, Акмал Тасқенов. Фильмга мусикаларни бастакор Дони Йёсов басталаган.

Юлдуз **УСМОН**

Тошкент шаҳар хожимийти "Камолот" ёшлар иқтисодий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

«Севимли шаҳрим» акцияси доирасида «Дилнимдасан-пойтахтим» энг яхши эстрада қўшиқлари мавзусида кўрик-танловнинг эълони қилади

Кўрик-танлов шартлари:

Ижрочиларнинг ёши чегараланмаган;

Танловда ҳаваскорлар ва профессионал ижрочилар қатнашиши мумкин;

Кўрик илк бора ижро этилиши керак;

Кўрик сифатли аудиоускуналарга (минидиск, CD) Эзилиши керак.

Тақлифлар 1 октябргача қабул қилинади.

Энг яхши кўрик танловнинг ҳажватлар ва радиомухлислар томонидан танлов қилинади.

www.tashkentkamolot.uz

Мавқеи: Тошкент шаҳар, 700005, Мавзурўстқор йўли, 14

Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

Бўлсин-бўлсин (Байрам лапар)

- Бўлсин-бўлсин бўлсин-о, Яна нималар бўлсин?!
- Кўшиғу алёр бўлсин, Қувонч, шодлик ёр бўлсин! Юртимизнинг тўйлари, Байрамлари бор бўлсин!
- Бўлсин-бўлсин бўлсин-о, Яна нималар бўлсин?!
- Маҳаллалар боғ бўлсин, Дилларимиз чоғ бўлсин,
- Боғ оралаб юрганлар, Юзга кирсин — соғ бўлсин!
- Бўлсин-бўлсин бўлсин-о, Яна нималар бўлсин?!
- Қари бўлсин, ёш бўлсин, Орзуси йўлдош бўлсин! Оқсоқоллар ох, демай, Маҳаллага бош бўлсин!
- Бўлсин-бўлсин бўлсин-о, Яна нималар бўлсин?!
- Қозонда жиз-биз бўлсин, Тўрда «сиз-биз» бўлсин. Қаҳажонлар кўпайсин, Уғил-бўлсин, қиз бўлсин!
- Бўлсин-бўлсин бўлсин-о, Яна нималар бўлсин?!
- Кампир бўлсин, чол бўлсин, Тилларида бол бўлсин. Хушдил, хушчехраларга Табассуми ҳол бўлсин!
- Бўлсин-бўлсин бўлсин-о, Яна нималар бўлсин?!
- Шараф бўлсин, шон бўлсин, Юртим шонга кон бўлсин. Маҳаллалар яшнасин, Яйрашга имкон бўлсин!
- Бўлсин-бўлсин бўлсин-о, Яна нималар бўлсин?!
- Барча гулпараст бўлсин, Гўл хиддан маст бўлсин. Қувончнинг қурулмай, Қасд қилганлар паст бўлсин?!
- Бўлсин-бўлсин бўлсин-о, Яна нималар бўлсин?!
- Оловли юрак бўлсин, Юракда тилак бўлсин. Оқсоқол тилаги шу: Байрам муборак бўлсин,

Тўлан ҚУЗИБОВ,
Тошкент шаҳри,
Қорақамиш даҳаси, «Табассуми»
маҳалласи оқсоқоли.

• МУСОҲАБА

Ўқув йилига — янги китоблар

Ҳар йили 1 сентябрь арафасида катта-кичик барчанинг ўй-хаёллари табиийки, мактаб дарсликлари, ўқув қўлланмалар ва умуман, мактаб ўқувчиларини поёнсиз билимлар хазинаси сари элтувчи китоблар билан боғлиқ, албатта. «Ўқитувчи» нашриётининг директори Мўтабар ИКРОМОВА билан бўлган бугунги суҳбатимиз айнан шу мавзу доирасида кечди.

— Нашриётлар фаолиятини ҳозирги кунда мавжуд китоблар орасида энг яхшилари ва энг муносибларини танлаб олиш учун зарур шарт-шароитларни юзга келтирувчи бозор рақобати қонунияти белгилаб беради. Моҳиятан тўри бўлган бу ҳолат масалага янада масъулиятроқ ёндошуви талоқ қилади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, бизда дарсликлари нашрга тайёрлаш билан боғлиқ ишлар, асосан, ўқув дастури талабларини чуқур ўзлаштирган, улкан иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар ишлайди. Ана шундай муҳим омил сабабли, нашриётимиз ниҳоятда масъулиятли тендерларда ҳам пешқадамликни қўлдан бермай келаётир. Масалан, бу йилги тендерда «Ўқитувчи» нашриёти тўртинчи синфлар учун «Математика» ва «Она тили», еттинчи ва саккизинчи синфлар учун «География», саккизинчи синфлар учун «Одам ва унинг селоматлиги» сингари ўзбек тилидаги бешта дарсликни нашрга тайёрлаш ҳуқуқини қўлга киритди. Тендернинг қатъий мезоний талабларига жавоб бера оладиган қатор корхоналар орасидан ғолиблик байроғини илиб кетган нашриётимиз билан ҳақли равишда фахрланасан арзийди.

Утган йили биз Оксфорд университетини билан ҳамкорликда тўққизинчи синфлар учун инглиз тили дарслигини чиқардик. Бугунги кунда эса Гёте институти билан ҳамкорликда саккизинчи синфлар учун немис тили дарслигини тузиш билан машғулмиз. Дарвоқе, бешинчи синфдан бошлаб жами немис тили дарсликларини ҳам ана шу Гёте институти билан биргаликда нашрга тайёрлаганмиз.

— Нашриётингизда чоп этилаётган дарсликлар орасида илк мартаба нашрга тайёрланаётган дарслик ёки қўлланмалар ҳам борми?

— Ҳа. Дарҳақиқат, шундай китоблар бор. Масалан, жисмоний тарбия ва спорт фақри бўйича ўқув қўлланмаси шулар сирисига кирилади. Коллеж ва лицейлар учун бундай қўлланмалар аввалроқ нашр этилган эди. Бу йилдан бошлаб умумтаълим мактабларининг учинчи синфларидан то тўққизинчи синфларигача ана шундай дарсликлар чоп этила бошланди. Бундан ташқари, нашриётимизда ўқитувчилар ва ота-оналарга ёрдам тариқасида мактабгача ёшдаги болаларни ўқиш, ёзишга ўргатиш ва уларнинг нутқини ривожлантириш бўйича қўлланма ҳам нашр этилмоқда.

Ҳозирги пайтда ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш тарбиявий, маънавий-оқартув ишлари соҳа-

сидаги энг муҳим, долзарб йўналишлардан биридир. Демократик жамиятни бунёд этар эканмиз, биз ўз ҳуқуқ ва буғричларимизни ҳам шунга мувофиқ равишда чуқурроқ ўзлаштириб олган бўлишимиз лозим. Ҳуқуқий маданият тушунчасини англамай туриб, фуқаролик тушунчасига эга бўла олмаймиз. Ўз-ўзидан равшанки, мазкур тушунча ҳар бир инсон онгига ва шуурига гўдаклик чоғлариданоқ сингдирилиши, ҳуқуқий билимлар эса барча учун тушунарли, ҳаммабоб бўлиши лозим. Кенг қизиқувчилар доирасига мўлжалланган ҳуқуқий билимлар бўйича ўқув қўлланмаларини нашрга тайёрлашда айнан ана шу нуқтага назар бош мезон қилиб олинмоқда. Ўзбек тилидаги барча мактаб дарсликларини лотин имлосига ағдариб ишлари ҳам ниҳоясига етиб қолди. Бу йил ўнчинчи синфлар учун тайёрланган дарсликлар ҳам ўз эгалари қўлига бориб тегади. Шундай қилиб, бугунга қадар ўзбек тилида чоп этиладиган биринчи синфдан ўнчинчи синфгача бўлган барча мактаб дарсликлари лотин имлосига ўгириб бўлинди. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, бизнинг мамлакатимизда барча дарсликлар давлат тилидан ташқари ана бешта қардош тилда чоп этилади. Булар — рус, қозоқ, тожик, туркман, киргиз тилларида нашр қилинадиган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларидир. Биз ушбу тиллардаги дарсликларга бўлган талаб ва эҳтиёжни муттасил ўрганиб бормиз ва дарсликлар тиражини

айнан шундан келиб чиққан ҳолда белгилаймиз.

— Дарсликлардан ташқари, нашриётингизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ўқитиш ва таълим-тарбия беришда зарур бўлган бошқа адабиётлар ҳам чоп этиб борилади. Уша нашрларда миллий аъёнанинг қадриятларни тарғиб этиш масаласига муносабат қандай?

— Аввало, таъкидлаб ўтиш жоизки, барча мактаб ўқувчилари учун чиқариладиган ижтимоий йўналишдаги жами дарсликларимизда умуминсоний қадриятлар билан бир қаторда, миллий қадриятлар ҳам, шаксиз, чуқур изоҳлаб берилган. Бинобарин, махсус, оммабоб адабиётлар, шунингдек, ҳар хил қўлланмаларда ҳам бу масалаларга батафсил тўхтаб ўтилади. Масалан, экология бўйича қўлланмалари олиб қарангизда, унда она-заминнинг бекиёб гўзаллиги, ёру дунёдаги жамики жонли мавжудотнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги гоёлари тарғиб қилинади. Маънавий тараққиёт масалаларига ва энг яхши, ибратли аъёналарга бағишланган махсус рисолатлар ҳам нашриётимиз фаолиятининг ажралмас узвий йўналишларидан биридир. Истардимки, фарзандларимизга келгусида ободлик-фаровонлик, гўзаллик ва мукамал уйғунлик асосига қурилган оламда яшаш насиб этсин. Бунинг учун эса шу бугундан бошлаб улар онсига гўзаллик, эзгулик ва уйғунлик тушунчаларини астойдил сингдириб боришимиз керак бўлади.

Гулором **ҲАМИДОВА**
суҳбатлашди.

Ибратли оилалар МЕҲР БИЛАН ЯШНАЁТГАН ХОНАДОН

Мирободда ибратли оилалар кўп. Ана шундай оилалар қаторида эса «Олтинкўл» маҳалласида яшовчи Ҳайитметовлар хонадонининг ўзига яраша ўрни, файзи бўлакча.



Оила бошлиғи Абдуқодир ота билан Ҳалима аялар 45 йил турмуш қуришиб, кўпбал фарзанд ва набираларини воёга етказишиб, бугун уларнинг ардоғида яшашмоқда. Оиладаги тотувлик, меҳр-оқибат, қўни-қўшиқларга ҳурмат, маҳалладошларига меҳрибонлик кўпчилигини ҳавасини келтиради.

Абдуқодир Ҳайитметов 50 йилдан буюн Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтида фаолият кўрсатиб, буюк мутафаккир Навоий ҳақидаги илмий изланишлари, мумтоз адабиётни тарғиб этишдаги муносиб ҳиссалари боис Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби унвонига, Беруний номидаги Давлат муқофотига сазовор бўлган. «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби. Ҳалима ая эса 40 йил мактабда ўғил-қизларга пухта билим берган муаллима. Отаҳон ва онаҳон ҳам ишда, ҳам турмушда бир-бирларига суянч бўлишди, бирининг муваффақиятларида, албатта иккинчисининг хизмати юқори бўлди.

— Филология фанлари доктори, профессор, юксак муқофотлар соҳиби Абдуқодир Ҳайитметовлар оиласи маҳалламиз ахлига ўрнак, — дейди маҳалла оқсоқоли Жўра Ортиқов. — Боиси фарзанд ва набиралар катталардан ибрат олишган ушбу хонадонда ҳар бир иш яхшилик, одоб-ахлоқ билан ҳал этилади. Улар илм эгаллашга, ёшлиқдан меҳнатга меҳр қўйишга ўрганишган. Абдуқодир ака ҳозирда институтида илмий маслаҳатчи бўлиш билан бирга маҳалламизда фаолият кўрсатиш комиссияси аъзоси. Уларнинг маслаҳатлари, савий-ҳаракатлари оилаларимиз тотувлигида катта ҳисса бўлмоқда.

Дарҳақиқат оила — мамлакат таънини. Истиқлол берган эрк тўғайли яшанаётган Ватанимизга мана шундай оилалар ярашади.

Шарофат **БАХРОМОВА.**

Тошкент шаҳар ҳокимияти
"Камолот" ёшлар йўналиши Тошкент шаҳар бўлими

"Севимли шаҳрим" акцияси доирасида
"Озода шаҳар"
тадбирини ўтказилади.

Тез кунларда Сизнинг маҳаллангизда махсус
жамоа ва сеvimли радиостанциянгизнинг
бошловчилари иш олиб боришади.

**Сиз ўз кўчангизни чиқинди-
ахлатлардан тозаланг!**

Ва Сиз сеvimли радиостанция орқали
эфирга чиқиш имкониятига
эга бўласиз.

Маълумотлар
ТТV телеканали,
"Пойтахт-информ"
радиостанцияси, "Тошкент
оқшоми", "Бечерний Тошкент",
газеталарида.

**Бизнинг Тошкент-
озода шаҳар!**

**Севимли
ШАҲРИМ**

www.tashkenikamolot.uz
Манзил: Тошкент шаҳар, 700005, Мовароуннахр кўчаси, 14
Маълумот учун телефонлар: 133-21-03, 133-38-03

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланб банд солинган куйидаги автомобилотранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади.

1. "Иж-2715" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АҚ 806, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
 2. "Опель-Вектра" автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 1 200 000 сўм, техник носоз;
 3. "Газ-31029" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АЕ 558, бошланғич нархи 1 950 000 сўм;
 4. "Газ-5201" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 985, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
 5. "Газ-52" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
 6. "Газ-52" автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Д 58-32, бошланғич нархи 320 000 сўм, техник носоз;
 7. "Газ-52" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 718, бошланғич нархи 750 000 сўм;
 8. "Газ-53" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 717, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
 9. "Газ-5204" автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 419, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;
 10. «Авиа-А-31» автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 63-94 ТНП, бошланғич нархи 1 300 000 сўм, техник носоз;
 11. "Мерседес-Бенц" юк автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 700 000 сўм;
 12. "Зил ММЗ-34502" автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АО 593, бошланғич нархи 550 000 сўм;
 13. "Хундай-Гранкер", автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АЕ 499, бошланғич нархи 850 000 сўм;
- Ушбу автотранспорт воситаларининг кимошди савдоси 2003 йил 30 август куни соат 12-00 да суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносига ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй,
2-қават. Маълумот учун телефонлар:
41-16-38, 144-54-08, 144-88-01.

**«Малика» ОАЖ
акциядорлари диққатига!**
2003 йил 30 сентябрь куни соат 14.00 да «Малика» ОАЖ
акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилади.
КУН ТАРТИБИ:

1. «Малика» ОАЖнинг 2002 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти тўғрисида ҳисобот.
2. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Аудитор текшируви ҳулосасини ва 2003 йилга жамият аудиторини тасдиқлаш.
4. 2002 йил бўйича даромад тақсимотини ва дивиденд миқдорини тасдиқлаш.
5. Жамият янги Устав фондини тасдиқлаш, жамият Уставига ва корпоратив ҳужжатларига тегишли ўзгартириш киритиш.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202 рақамли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги № 189 Қарорига мувофиқ жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
7. «Малика» ОАЖнинг 2003 йилнинг биринчи ярим йили бўйича молиявий-ҳўжалик ҳисоботи.
8. «Малика» ОАЖ бошқаруви раисини сайлаш.
9. Бошқа масалалар.

**«Малика» очик акциядорлик жамияти баланси
(2003 йил 1 январга):**

№	КЎРСАТКИЧЛАР НОМИ	МИҚДОРИ (минг сўм)
АКТИВ		
1.	Асосий воситалар	1045723
2.	Ишлаб чиқариш заҳиралари	41610
3.	Тугалланмаган ишлаб чиқариш	52314
4.	Тайёр маҳсулот	89881
5.	Пул маблағлари	15883
6.	Дебиторлар	28821
	ЖАМИ	1274232
ПАССИВ		
1.	Устав маблағи	88533
2.	Қўшилган маблағ	147744
3.	Резерв маблағи	28000
4.	Тақсимланмаган фойда	24935
5.	Мақсадли тушум ва фондлар	120298
6.	Келгуси давр даромадлари ва сарфлари	—
7.	Кредиторлар	13169
	ЖАМИ	922679
МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР		
1.	Маҳсулотни сотишдан тушган тушум	497634
2.	Сотишдан тушган ялли молиявий натижа	77800
3.	Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси	98806
4.	Соф фойда	18570

Балансининг тўғрилиги "Прогресс" МЧЖ аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган.

«Чўлпон» нашриёти касаба уюшмасининг Шайхонтохур туман ҳокимияти томонидан берилган думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.
Манзилимиз:
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй,
2-қават, 204-хона.



ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2003 йил 5, 12, 19, 26 сентябрь, 3, 10, 17, 24, 31 октябрь кунлари соат 11-00 да Давлат мулки қўмитасининг

Тошкент шаҳар бошқармаси биносига кимошди савдоларини ўтказилади.

Савдоларга Тошкент шаҳар Сергели тумани, лойиҳадаги Г-64, Ом ва Г-38, Ом кўчаларида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган ер уасткаларига эгаллик ҳуқуқи қўйилади.

Битта ер участкасининг бошланғич нархи — 640000 сўм.

Ер уасткалари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан 3 кун олдин тўхтатилади. Савдоларда жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин.

Савдода қатнашиш учун харидорлар ер участкаларининг бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16а-уй, 402-хона.
Телефонлар: 133-20-74, 132-25-51.**

Шарқ дурдоналари

03-03 УТГАНИЙ ДОМО БУЛУР...

Хикоят:
— Султон Махмуднинг жуда ҳам гўзал бир боғи бор эди. Бир кун шу боғда отаси Носируддава Сабуқтаки шарафига зийфат тортиб берди. Зийфатдан кейин ўгли отасидан:
— Эй азиз отам, менинг бу боғим ҳақида нима дейсиз, сизга маъқул бўлдимми, деб сўради. Отаси шундай деб жавоб берди:
— Эй кўзимнинг нури ўғлим, боғинг жуда ҳам зебо ва дилқуш боғдир. Аммо давлати, бойлиги бор ҳар бир киши бундай боғни бундга келтира олади. Лекин сен кўкларга муяссар бўлмаган бир боғни вужудга келтир, унинг мевасидан мева ҳеч қаерда топилмасин.

Сизнинг таъриф қилганингизча бундга келтириш ҳар кимга ҳам муяссар бўлмаган у боғ қандай боғ экан? — деб эди, отаси жавоб берди.

У боғ фозиллар, адиб-шоирлар, донишмандлар ва бошқа ахлоқли, тарбияли улуг зотлар сўхбатидир. Шу улуг зотлардан тарбия топиб яхши ишлар зўрға келтириш, унинг дарахти бўлиб меваси яхши номга эга бўлишидир.

Луқмони Ҳаким ўз ўлига айтади: — Қариндош-уруғлардан алоқангнни узма, ўйлаб иш тут. Одамларни гийбат қилма. Одамлар бир ишга боқ қўша уларга қўйилма. Шошилиб иш тутма. Бойлик деб ўзингни қайғу-ғамга ташлама. Ўз кадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.

Ўтиришларда ўз жойингни бил. Одамларнинг сўзига қулоқ тут. Одамлар сўраса гапир, ўзингдан улуглар олдиға тушиб юрма. Одамлар ичда бошингни қуйи солиб ўтирма, ўнгу чапға қарайверма. Меҳмон олдида бироваг ўширма, меҳмонга эса иш буюрма. Маст одамлар билан ҳамсўхбат бўлма. Ўз фойдангни ўйлаб обрўйингни тўкма. Ўзига бино қўювчи такаббурлардан бўлма. Хўсуматдан узоқ бўл, сенга иш буюрсалар бажар, ваъда қилсанг, албатта унинг уддасидан чиқ. Ҳеч кимни ранжитма.

Хикоят:
Бир подшоҳнинг ёнида ўзининг ва хизматчисининг ўғли ўтирганди:

— Подшоҳ ўз ўғлидан:
— Ўғлим, ростини айт, сен дунёда нималарни орзу қиласан, кўнглинг нималарни истайдиги? — деб сўради.

— Молю-мулким кўплиги билан шухрат қозонишни, доимо шароб ичиб, овга чиқиш, айш-ишратдан ҳоли бўлмаслиқни орзу қиламан, — деб жавоб берди подшоҳнинг ўғли. Сўнгра подшоҳ хизматчисининг ўғлидан:

— Тўғрисини айт, — сенинг келажакдаги орзу-тилагинг нима? — деб сўради. Хизматчисининг ўғли мулоқимлик билан:

— Шафқатли, марҳаматли, хайр-саховатли бўлишни, халққа хизмат этишни, жамиятга фойда етказишни, ҳаммининг меҳру муҳаббати, олқишини олишга муваффақ бўлишни орзу қиламан, — деб жавоб берди.

Подшоҳ унинг сўзларидан кўп таъсирланиб, бу олижаноб ўғлини қучоғига олиб севди, юз-кўзларидан ўлиб эркалади ва айтди:

— Баракалла ўғлим, шундай бўлиш керак, орзу-ниятингга, мурод-мақсадингга эт, — деб олқишлади, уни яхши тарбия қилишга аҳамият берди.

Байт:
Ким халойиққа тараҳхум қилмагай, Унга асло бахт-давлат келмагай.

• КЎРГАЗМАЛАР

ОНА ЗАМИНГА ТАЪЗИМ

Шу кунларда Ўзбекистон амалий санъат музейида Ўзбекистон Бадий академияси, Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, расм кулол Махмуджон Мамажоновнинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.



Ўзбекистон амалий санъатининг қадимий, шунингдек, бизнинг давримизгача ўзининг аниқ чегараланган мактаб ҳамда анъаналарини сақлаб келаятган турларидан бири бадий кулолчилик ҳисобланади.

Маълумки, ўзбек кулолчилик санъати қадимий даврлардан шу кунгача кен тарқалган ва аҳоли эҳтиёжларини қаноатлантириб келган муҳим касб-хуна соҳасидир. Ўзбекистон жабҳасида қадимдан ҳар воҳанинг хунаремдчилик марказлари вужудга келиб шаклланиган. Бу марказларда халқ эҳтиёжини учун энг керакли сопол буюмлар ишлаб чиқарилган.

Кулол усталар оддий лойдан — замин жисмидан кўза, лаган, пиёла ва бошқа буюмлар ясаб, уларни оловда тоблаб, пишириб мўжиза яратадилар. Бу буюмларни инсонлар кўриб, томоша қилиб, маънавий завқ оладилар, уй рўзгорида фойдаландилар.

Сопол буюмлар асрлар

оша ёдгорлик сифатида сақланиб, халқлар ҳаёти, уларнинг турмушидан, маданиятидан ашёвий далил сифатида тарихимиздан ўрин олади.

Расм кулол Махмуджон Мамажонов яратган асарлари ниҳоятда ранг-баранглиги билан кўзга ташланади. Кўргазмада лаганларнинг ҳар хил турлари учирайди, косаларнинг турли вариантлари — коса, шокоди, дон махсулотлари учун катта хумлар ва гулдонлар кўйилган. Айниқса «Тилла кошн — саховат, «От изини — той босар» каби бир нечта ижодий асарлар одамни ўзига ром қилади.

Уста Махмуджон Мамажоновнинг ижодий фаолияти 1970 йилдан бошланган. Илк бор республика, сўнгра халқаро миқёсдаги кўргазмаларда ижодий асарлари билан қатнашган. Тошкент метрополитенининг Ойбек бекати, «Турон» банки қирраверши устунларини бадий кулолчилик кошнлари билан беаган.

2001-2002 йилларида Ўзбек миллий академик драма театрининг томошабинлар зали, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейининг тўрт томон эшик атрофлари, шарофаларни миллий анъаналарга асосланган мовий сопол кошнлари билан безатган. Ижодий фаолиятида ўғиллари Абдувоҳид ва Абдувоҳидлар билан биргаликда ижодий, илмий ва амалий изланишлар олиб бормоқда. Республикаимизда МДХ ва Болгария, Руминия, Германия, Франция, Чехия, АКШ, Ҳиндистон, Покистон, Жанубий Корея, Таиланд каби мамлакатларда унинг муҳлислари мавжуд.

Кўргазмага қўйилган асарлар санъатшунос, мутахассислар ва томошабинларда шубҳасиз катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазма 5 сентябргача давом этади.
Раҳматхон АКМАЛОВ СУРАТЛАРДА: «Она заминга таъзим» кўргазмасидан ўрин олган асарлар.

ҲАМКАСБИМИЗНИ ҚУТЛАЙМИЗ!



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан мукофотланган фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маънавият ва маърифат, санъат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ҳодимлари орасида ҳамкасбимиз «Оқшом» газеталари гурӯҳ раҳбари Шарипа Мансуровна Илёсова ҳам бор.

«Оқшом» газеталарининг ижодий жамоаси Шарипа Илёсовани Ватанийевнинг юксак мукофоти — «Шухрат» медали билан тақдирланган муносабати билан чин дилдан қутлайди, келгусидаги ижодида муваффақият, сийҳат-саломатлик ва оилавий бахт тилайди.

«Оқшом»чилар

ЯХШИЛИК ҲАҚИДА

Кимки яхшилик йўлида ғайрат қилса-ю лекин бирорта ёдгорлик қолдирмаса, у яхши деган ном ололмайд.

Бу олам ичра яхши деган ном энг буюк иморатлардан ҳам баландроқ бўлур.

Қанча-қанча инсонлар бу дунёдан ўзга дунёга кетишди, катта-катта бинолар қуриб пештоқига номларини битиб кетишди. Уларнинг тани тупроққа айланди, аммо яхши деган номлари ҳамон яшайди.

Яхшилик иморати нуқсонлардан ҳоли бўлиб, тирикликнинг офтоби уларни доимо ҳимоя қилиб туради.

Сен «яхши» деган номдан иморат қуришга саяй-харажат қил, то одамлар бу иморат деворига номингни «Яхши инсон эди» деб ёзиб қўйишин.

Сен яратган нарсадан эл-юрт тинчлик-фароғат топса, бу сенинг фароғатингдир, саодатингдир. Элинг ҳам сени тинчликда, бахтли яшашингни истайди.

• ТАНЛОВЛАР

ҚАДРЛАШГА АРЗИГУЛИК

Шаҳримиз чиройи, ободлиғию ортасталиги, кўкаламзорлиғию тозаллиги, йўлларнинг текис ва равонлиги, икки томонига алоҳида фойз бағишловчи гулчечаклар, яшил майсалар, ариқларда оқаётган сувлар — барча-барчаси оддий, лекин машаққатли касб эгаларининг меҳнати самарасидир.

Бу борада эрта тонгдан то кечгача меҳнат қилаётган уста боғбон, тажрибали мироб, йўл ишчиси ва фаррошларнинг ҳиссасини алоҳида таъкидласа арзийди. Кишин-ёзин пойтахтимиз кўркини таъминлашга интилаётган ободонлаштириш ходимларининг юмушлари, айниқса эрта баҳорда янада қизгин тус олади. Ёзда эса баҳорда экилган гул-чечаклар парвариши, йўл ва кўчалар ортасталиги, гул, дархат ва майсаларни сукориш каби ишлар авжига чиқади. Шу боисдан ҳам Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси мутасаддилари Мустақиллигимизни муносив қутиб олиш ва Обод маҳалла йили муносабати билан ишчи-хизматчилар меҳнатини рағбатлантириш мақсадида 4 та йўналиш буйича кўрик-танлов эълон қилган эди.

Бошқармага қарашли қорхона ва ташкилотлар ходимлари ушбу кўрик-танловда фаол қатнашишди. Қуни кеча пойтахтимиздаги Мухимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрида ана шу танловнинг якунини босқичи бўлиб ўтди. Унинг шартларини аъло даражада бажарган Мухтабар Фуломов (марказий майдонлардан фойдаланиш бошқармаси) «Энг яхши фар-

рош», Кўчқор Аширов (манзарали боғдорчилик ва гулчилик ҳўжалиги) «Энг яхши боғбон», Юрий Сизов (Чилонзор тумани ободонлаштириш бошқармаси) «Энг яхши мироб», Тоҳир Жўраев (марказий йўллардан фойдаланиш бошқармаси) «Энг яхши йўл ишчиси» деган номга сазовор бўлишди. Ҳолиларга ва энг яхши қатнашган ходимларга Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ушбу кўрик-танловнинг Энг улуг, энг азиз шодиёна арафасида бўлиб ўтганлиги соҳа ходимларига кўтаринки кайфият бағишлади, — дейди Ободонлаштириш бош бошқармаси бошқарувчиси ўринбосари Аъзам Ризашев. — Ходимларимиз айна кунларда ҳам ўз вазифаларини сидқидилдан адо этиб пойтахт жамолини очишда ғайрат кўрсатишмоқда. Улар қайси ҳудудда ишлагани, асосий мақсадлари ободончилик ва гўзалликдир. Шаҳримиздаги озода кўчалар, чиройли гулханалар ва боғлар, сув шохобчалари, ям-яшил майсалар бунинг яққол исботидир. Шу боисдан ҳам уларнинг меҳнатлари ҳамisha эъзозга, қадрлашга арзигуликдир.

Кўрик-танлов иштирокчиларини театр биносига ййилган ҳамкасблари қарсаклар билан олқишлаган бўлса, санъаткорлар — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар — Зулайҳо Бойхонова, Меҳри Бекхоннова, Равшан Солиҳов, хушовоз хонандалар Дилмурод



Узоқов, Отабек Ҳақбердиев, Музаффар Ҳамидовлар диграбо қўшиқ ва ичакузди ҳангомалари билан барчага завқ-шавқ улашишди.

— Бизга қаратилган мана шундай эътибор ва билдирилган ишонч ишимизнинг нунимини таъминлайди, — дейди «Энг яхши фаррош» номига сазовор бўлган Мухтабар Фуломов. — Катта тантана — Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида бундай рағбатлантириш ишмиизга меҳримизни ошириб, ажойиб байрам тўхфаси бўлди. Бундай эъзозга биз шаҳримизни янада обод қилиб, ортасталигини таъминлаб, чиройини ошириб, баракали меҳнатимиз билан жавоб берамиз.

(Ўз муҳбиримиз). СУРАТДА: кўрик-танловдан лавҳа. Сергей Любич олган сурат.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Масъаси: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар — 133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4204 нусхада босилди. Қўғоқ бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 19-қавати билан рўзғарта олинади

Нашрини етказиб бериш масъалари буйича турар жойларини почта бўлимларига ёки «Тошкент поштами»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнизи мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийет-маъбада акциядорлик компанияси бошқаровида. Корхона маъзиле «Буюк Турон» қўшмаси, 41-уй.

Буюртма Г-707.

Топширилди 13.00

I 3 4 5 6